

Исломгача бўлган мухим воқеалар:

Милоддан 2000 йил аввал. _Иброҳим алайхиссаломнинг пайгамбарликлари даври.

1500 йил аввал. Мисрда Фиръавнлар подшолигининг иккинчи Теб даврида Хазрати Мусонинг пайгамбарликлари даври.

1000 йил аввал. Фаластинда Куддусни бошшахар қилган Хазрати Довуднинг пайгамбарликлари даври.

700 йил аввал. Хиндистонда Брахма маданияти. Самарканд шаҳрининг тилга олинishi.

600 йил аввал. Эронда Зардушт исми бир файласуф томонидан оташпарастлик (мажусийлик) мазҳабининг ўртага қўйилиши.

571 йил аввал. Хитойликларга ўз мазҳабини ўргатган Конфутсийнинг тугилиши.

555 йил аввал. Хиндистонда Шакъо Моуни исми файласуф томонидан Будда деб аталган янги бир мазҳабнинг чиқарилиши.

329 йил аввал. Македонияли Искандарнинг Мовароуннахрда (Бактрия ва Сўғдиёнада) пайдо бўлиши.

200 йил аввал. Тошкент ҳақидаги илк маълумотлар милоддан аввалги иккинчи асрга оид қадимий Хитой қўлёзмаларида тилга олинган.

Милоддан кейинги йилларда бўлиб ўтган асосий воқеалар :

1 йил + Рум императори Август даврида Қуддусда Ҳазрати Исонинг тугилган йили сифатида қабул қилиниши, милодий тақвимнинг бошланиши.

4 йил + Ҳазрати Исонинг ҳақиқий тугилган йили (инглиз тарихчиси Велега қўра).

13 йил + Рум императори Тибарюс замонида насронийларга қўра Ҳазрати Исонинг, Ислом ишончига қўра Исога ўхшатишган Йуданинг Қуддусда хочга михланиши.

395 йил + Буюк Рум империясининг иккига бўлиниши ва Шарқий Рум (Византия) тарихининг бошланиши, 1453 йилда тугаган.

571 йил 20 апрел + Маккада хошимийлар маҳалласида пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг туғилишлари (12-робиъул-аввал, душанба куни)

577 йил + Пайгамбаримизнинг оналари билан Мадинага бориб, ота қабрини ва тоғаларини зиёрат қилишлари ҳамда қайтишда Абво қишлоғида оналарининг вафоти.

579 йил + Пайгамбар алайҳиссаломни тарбиялаётган боболари Абдулмутталибнинг вафоти ва у зот амакилари Абу Толиб қафолатига ўтишлари.

583 йил + Мухаммад алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толиб билан Шомга тижорат

қарвонида кетишлари ва Бусро шаҳрида наслоний рухонийи Бухайронинг кутилаётган пайгамбар шу бола эканини сезиши.

591 йил + Муҳаммад алайҳиссаломнинг Қанона ва Қайс қабилалари ўртасида тўрт йил давом этган Ғужжор ҳарбида бетараф қолишлари ва Хилфул-Ғузул сулҳида иштирок этишлари.

595 йил + Пайгамбаримизнинг Ҳазрати Ҳадичанинг қули Майсара билан Шомга тижорат сафари қилишлари.

596 йил + Муҳаммад алайҳиссаломнинг Макканинг баобрў аёлларидан Ҳадича бинти Ҳувайлид билан оила қуришлари.

606 йил + Пайгамбаримизнинг Қабани қайта қуришда қатнашишлари.

Биъсод - пайгамбарлик даврининг асосий воқеалари:

610 йил (пайгамбарликнинг биринчи йили Рамазон ойида) + Пайгамбаримизнинг қирқ ёшларида Ҳиро (Нур) тоғида илк ваҳийнинг қелиши ҳамда у зотнинг Маккадаги пайгамбарлик давларининг бошланиши, энг яқинларини Исломга даъват қилишлари ва Ҳазрати Ҳадича, Али, Зайд ва Абӯ Бакрларнинг мусулмон бўлишлари. Византияда эса Ҳиракл сулоласининг бошланиши (717 йилда тугаган).

613 йил (пайгамбарликнинг тўртинчи йили) + уч йиллик яширинча даъватдан сўнг Сафо тепалиғига чиқиб Исломга очик даъватнинг бошланиши.

614 йил (пайгамбарликнинг бешинчи йили) + Макка мушрикларининг тазйиқи туфайли бир гуруҳ мусулмонларнинг Ҳабашистонга биринчи хижрати.

615 йил (пайгамбарликнинг олтинчи йили) + Ҳазрати Ҳамза ва Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлишлари. Мусулмонлар иккинчи гуруҳининг Ҳабашистонга хижрати.

616 йил (пайгамбарликнинг еттинчи йили) + Қурайшийларнинг Хошимийлар билан муносабатларни узиши ва уларга қарши қамал эълон қилиши

618 йил (пайгамбарликнинг тўққизинчи йили) + қурайшийлар томонидан уч йиллик қамалнинг бекор қилиниши.

619 йил (пайгамбарликнинг ўнинчи йили) + Ҳазрати Ҳадича ва Абу Толибнинг вафотлари, бу йилни Расулуллоҳ «омул ҳузн» (ғам-ғусса йили) деб аташлари. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Савда бинти Замъага уйланишлари. Қурайшнинг Пайгамбаримизга озори қучайиши. Расули ақрамнинг тоифликлар ни Исломга даъват қилиш учун Тоифга боришлари.

620 йил (пайгамбарликнинг ўн биринчи йили) + Пайгамбаримизнинг одамлар кўп тўпланадиган Мина, Арафотда ва машҳур бозорларда қабилаларни ўзларига эргашишга даъват этишлари. Ҳазрати Оиша билан никоҳ ақди қилинишлари. Биринчи Ақоба байъати.

621 йил (пайгамбарликнинг ўн иккинчи йили) + Расулуллоҳнинг Исро (кўчиш) ва Меърож (кўтарилиш) воқеалари, намознинг фарз қилиниши. Иккинчи Ақоба байъати. Мусъаб ибн Умайрнинг даъват учун Мадинага юборилиши.

Хижрий сана бошланганидан кейинги асосий воқеалар:

622 йил (пайгамбарликнинг ўн учинчи йили, биринчи хижрий сана) + Сафар ойида Пайгамбар алайҳиссаломнинг эллик уч ёшларида Ҳазрати Абу Бакр Сиддик билан Маккадан Мадинага хижрат қилишлари (кўчишлари). Хижрий тақвимнинг бошланиши. Абу Айюб Ансорий ховлисида Кубо масжиди ва Расулуллоҳ масканлари барпо қилиниши. Кубодан Мадинага кетишдаги Бани Салим юртида илк бор жума намози ва хутба ўқилиши. Масжиди Набавий ва Хонаи саодатнинг қурилиши. Азоннинг жорий қилиниши.

Мусулмонларни биродарлаштириш. Урушга изн берилиши. Пайгамбаримизнинг Хазрати Оишага уйланишлари. Расулulloхнинг эмикдош биродарлари Усмон ибн Маъзуннинг вафоти.

623 йил + хижрий 2 йил. Вадон, Бувот, Ушайра газотлари. Кибланинг Куддусдаги Аксо масжидидан Маккадаги Масжидул-Харомга ўзгартирилиши. Рамазон рўзаси ва закотнинг фарз килиниши. Исломда илк уруш хисобланган Бадр газоти (12-Рамазон) нинг зафари. Рамазон ва курбон Ийд (хайит)ларининг расман байрам килиниши. Яхудийлар билан сиёсий муносабатлар ўрнатилиши. Пайгамбар алайхиссаломнинг Маккада унаштирилган Хазрати Оиша билан оила куришлари. Шаввол ойида Бани Кайнукоъ газотининг бўлиши. Зул-хижжа ойида Сувайк (Талкон) газоти. Хазрати Алининг Пайгамбаримиз кизлари Фотимаи Захро билан никохланишлари. Мухожирлардан илк чакалок Абдуллох ибн Зубайр ҳамда ансорийлардан илк бола Нўъмон ибн Баширнинг тугилиши. Расулulloхнинг кизлари ва Хазрати Усмоннинг завжалари Рукайянинг вафоти.

624 йил + хижрий 3 йил. Рабиъул-аввал ойида Гатафон газотининг бўлиши. Жумадул-аввалнинг 6-кунида Бухрон газоти. Шаввол ойида (милодий 625 йил 27 март) Ухуд газоти ва бу жангда Пайгамбаримиз амакилари Хамза ибн Абдулмутталибнинг шахид бўлиши. Расулulloхнинг Хазрати Умарнинг кизлари Хафса онамиз, Зайнаб бинти Хузайма ва Хазрати Усмоннинг кизлари Умму Кулсумга уйланишлари. Хазрати Али ва Фотиманинг тўнгич фарзанди, Пайгамбаримиз набиралари Хазрати Хасаннинг тугилиши. Яхудийлар томонидан мусулмонларга қарши душманлик ҳаракатлари бошланиши ва мунофиқларнинг ўртага чиқиши. Хамроул-Асад газоти.

625 йил + хижрий 4 йил. Рожиъ ва Биъри Мауна фожиаларининг содир бўлиши. Бани Назир газоти. Хамрнинг ҳаром килиниши. Пайгамбар алайхиссаломнинг Умму Салама онамизга уйланишлари. Шаъбон ойида Хазрати Хусайннинг тугилишлари.

626 йил + хижрий 5 йил. Давматул-Жандал газоти. Бани Мустаълик газоти. Хазрати Оишага нисбатан Ифк (тухмат) ходисаси. Таяммумнинг машруъ бўлиши. Пайгамбаримизнинг Зайнаб бинти Жаҳш ҳамда Жувайрия бинти Хорисга уйланишлари. Шаввол ойида Хандак ёки Ахзоб жанги. Зул-қаъда ойида Бани Курайза газоти.

628 йил + хижрий 6 йил. Шартлари огир кўринса-да Ислом учун зафар ҳозирлаган Худайбия сулҳининг имзоланиши. Шаъбон ойида Мурайсий газотининг бўлиши.

628 йил + хижрий 7 йил. Мухаррам ойида Пайгамбар алайхиссаломнинг Византия, Эрон, Миср, Хабашистон, Уммон, Яман, Бахрайн, Ямома ҳукмдорларига расмий мактуб юборишлари. Хайбарнинг фатх этилиш жанги. Пайгамбаримизнинг София бинти Хуяй ҳамда Умму Хабиба бинти Абу Суфёнга уйланишлари. Зотур Рикоъ газоти. Зул-каъда ойида казо умрасининг адо этилиши. Шу ой охирида Пайгамбаримизнинг Маймуна бинти Хорисга уйланишлари.

629-630 йиллар + хижрий 8 йил. Жумадул-ула ойида Мута газоти. Рамазон ойида Хунайн (Хавозин) газоти. Шу ойда ҳамр ва ўлимтик сотиш, мутъа (вақтинча) никоҳнинг харом килиниши. Пайгамбар алайхиссаломнинг кизлари Зайнаб вафоти. 10-Рамазон (10 январ) куни Макканинг фатх этилиши. Тоиф газоти. Жиърона умрасининг адо этилиши. Зулхижжа ойида Пайгамбар алайхиссаломнинг завжаи мутоҳхаралари Ҳазрати Зайнабнинг вафоти ва ўғиллари Иброҳимнинг тугилиши.

630-631 йиллар + хижрий 9 йил. Ражаб ойида Табук газоти ва кайтишда фитна уяси бўлган Дирор масжидининг ёкиб юборилиши. Шу ойда Хабашистон нажошийининг вафоти ва унга гойибона жаноза ўқилиши. Шаъбон ойида Умму Кулсумнинг вафотлари. Бутун қабилалардан вакиллар келиб мусулмон бўлганларини билдириши ва Исломнинг Арабистон ярим оролига батамом ёйилиши. Рибонинг харом килиниши. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик амирликларида кишиларнинг ҳаж килишлари.

632 йил + хижрий 10 йил. 8 март куни (зулхижжа ойининг 9-жумаси) вадо (хайрлашув) ҳажи ва Маккада тўпланган 124 минг кишилик жамоатга Расулуллоҳнинг машхур Вадо хутбасини килишлари. Ҳакнинг голиб, ботилнинг мағлуб бўлиши. Шу ойда Куръони карим оятлари нозил бўлишининг тамомланиши. Пайгамбаримиз ўғиллари Иброҳимнинг вафоти. Пайгамбар алайхиссаломнинг Бакиъ қабристонида марҳум мўминларга салом йўллаб, шахидлар ҳақкига дуо килишлари.

632 йил майида (ёки 8 июнда), хижрий 11 йил Робиъул-аввал ойининг 2-кунида Пайгамбар алайхиссаломнинг вафотлари ва Хужраи Саодатга дафн этилишлари. Ҳазрати Абу Бакр Сиддикнинг халифаликка сайланишлари ва «Хулафои рошидин» дейилувчи беш халифа даврининг бошланиши.

633 йил + хижрий 12 йил. Расулуллоҳ замонларида таркок ҳолда ёзиб олинган Куръони

карим оятларининг Хазрати Абу Бакр халифалиги даврида тўплаб, Мусхаф холига келтирилиши. Муртадлар ва сохта «пайгамбар»ларнинг тор-мор килиниши. Шом фатхи.

634 йил + хижрий 13 йил. Икки йилу уч ой халифалик килган Хазрати Абу Бакр Сиддикнинг вафотлари. Умар ибн Хаттоб халифалигининг бошланиши. Ажнодайда византияликлар устидан галаба қозонилиши.

635 йил + хижрий 14 йил. Дамашкнинг мусулмонлар томонидан фатх этилиши.

636 йил + хижрий 15 йил. Ислом лашкарларининг Ярмук якинида византияликларни тор-мор қилиши ва Кодисияда форслар билан шиддатли жангларнинг бўлиши.

638 йил + хижрий 17 йил. Хазрати Умар томонидан Пайгамбаримизнинг Маккадан Мадинага хижратлари Ислом оламининг йилбошиси ва хижрий таквимнинг бошланиши деб қабул қилиниши (хижрий 1 йилнинг биринчи куни 622 йилнинг 16 июлига тўғри келади). Миср фатхи ва Форс ўлкасининг мағлубияти.

644 йил +хижрий 23 йил. Зулхижжа ойида ўн йил халифалик қилган Хазрати Умарнинг шаҳид этилиши. Усмон ибн Аффон халифалик даврининг бошланиши. Ислом фотиҳларининг Хуросон ва Мовароуннахрга юборилиши.

649 йил + хижрий 28 йил. Византияга қарши мусулмонларнинг денгиз жанги бошлагани ва Кибрис (Кипр) нинг фатх қилиниши.

651 йил + хижрий 30 йил. Сўнгги сосоний ҳукмдор Ёздигирднинг ҳалокати ва араб фотиҳларининг Марвни фатх этиши.

655 йил + хижрий 34 йил. Куръон нусхаларини Мусхаф холида кўпайтириб, Ислом ўлкаларига юборилиши.

656 йил + хижрий 35 йил. 18-Зулхижжа куни ўн икки йил халифалик қилган Усмон ибн Аффоннинг шаҳид этилиши. Али ибн Абу Толиб халифалигининг бошланиши.

657 йил + хижрий 36 йил. Халифа Ҳазрати Али билан Шом волиийи Муовия ибн Абу Суфён ўртасида юз берган Сиффийн ҳамда Хакам (хижрий 37 йилда) воқеаларидан сўнг икки томонлама сулҳ тузилиб, қонли ички урушларга барҳам берилиши. Ражаб ойида Жамал (туя) воқеасининг содир бўлиши.

661 йил + хижрий 40 йил. 17-Рамазон куни беш йил халифалик қилган Али ибн Абу Толибнинг шаҳид этилиши ва халифаликнинг унинг ўғли Ҳазрати Ҳасанга ўтиши. Хижрий 41 йил 25-Рабиъул-аввалда Ҳазрати Ҳасаннинг халифаликни Муовияга топшириши, Хулафои рошидин даврининг тугаши ва умавийлар салтанатининг бошланиши.

670 йил + хижрий 49 йил. Барбарларга қарши жанг ҳаракатларининг бошланиши ва Уқба ибн Нофиъ томонидан Шимолий Африканинг фатҳ этилиши.

678 йил + хижрий 57 йил. Пайгамбаримизнинг завжаи мутоххаралари Оиша бинти Абу Бакрнинг вафотлари.

680 йил + хижрий 59 йил. Қарбало яқинида Имом Ҳусайн ибн Алининг шаҳид этилиши (10 октябрь)

691 йил + хижрий 72 йил. Қуддусда Ҳазрати Умар масжидларининг барпо қилиниши.

699 йил + хижрий 80 йил. Ҳанафий мазҳаби бошлиғи Имоми Аъзам Абу Ханифа Нўъмон ибн Собитнинг Қуфада тугилиши (милодий 767 + хижрий 150 йилда вафот этган).

707 йил. Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё)да Ислом динининг ёйила бошлаши, Қутайба ибн

Муслимнинг Мовароуннахрга юриши.

711 йил + хижрий 93 ёки 99 йил. Моликий мазхабининг бошлиги имом Молик ибн Анаснинг Мадинада таваллуди (милодий 795, хижрий 179 йилда 84 ёшда вафот этган).

712-713 йиллар + хижрий 95 йил. Кутайба ибн Муслимнинг Самарканд, Шош ва Фаргонани фатх этиши.

750 йил + хижрий 132 йил. Заб жанги билан умавийлар салтанатининг тугатилиши ва Хуросонда Абу Муслим бошчилигидаги конли тўқнашувлар билан Ироқда аббосийлар салтанатининг барпо этилиши (милодий 1258 йили йиқилган).

751 йил. Марказий Осиёга юборилган Хитой армиясининг Талас водийида бўлган жангларда какшатгич маглубиятга учраши. Хитойликлардан ўрганилган коғоз ишлаб чиқариш санъатининг самаркандликлардан мусулмон арабларга ўтиши.

756 йил. Умавийларнинг бошка бир уруги тарафидан Испанияда Андалусия умавий салтанатининг қурилиши (милодий 1031 йилда парчаланган).

767 йил + хижрий 150 йил. Шофеъий мазхаби бошлиги Имом Мухаммад ибн Идрис Шофеъийнинг таваллуди (вафоти милодий 819, хижрий 204 йил).

780 йил + хижрий 164 йил. Ханбалий мазхаби бошлиги Имом Аҳмад ибн Ханбал таваллуди (вафоти милодий 855, хижрий 241 йил).

786-809 йиллар. Хорун ар-Рашид раҳбарлигида умавий салтанатининг ва араб маданиятининг гуллаб-яшнаши.

810-869 йиллар + ҳижрий 194-256 йиллар. Атокли муҳаддис, “Саҳиҳи Бухорий” муаллифи Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаёти.

813-833 йиллар. Умавий халифа Маъмун даврида Ислом илм-фани ва маданиятининг тараккий этиши.

819/820 йиллар. Самарканд, Шош, Уструшона ва Фарғонада Сомонийлар сулоласи ҳукмронлигининг бошланиши.

821 йил. Тоҳирийлар сулоласига асос солган Тоҳир ибн Хусайннинг Мовароуннаҳр ва Хуросон ноиби этиб тайинланиши.

824-892 йиллар. Улуг муҳаддис олим, “Сунани Термизий” муаллифи Абу Исо ат-Термизий ҳаёти.

847-861 йиллар. Халифа ал-Мутаваккил даврида мўътазила қозисининг ҳайдалиши ва сунний ақидага қайтилиши.

848 йил. Ок денгизда кемачилик билан шухрат топган аглабийларнинг Италия сохилларига ёйилиши, яъни Ислом маданиятининг жанубдан Оврупага ўтиши.

873-950 йиллар. Улуг турк-Ислом қомусий олими Абу Наср Форобий яшаб ўтди (ҳижрий 339 йили Шомда вафот этган). 873 йилда шиаларнинг ўн иккинчи имоми Маҳдийнинг гойиб бўлиши. Шу йили улуг араб файласуфи ал-Киндийнинг вафоти.

875-999 йиллар. Бухорода сомонийлар ҳукмронлиги ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши.

890 йил. Ироқда мулк умумийлигини ёклаб чиққан қарматийлар яширин оқимининг пайдо

бўлиши (Карматийлар 930 йили Каъбадан «Хажар ул-асвад»ни ўғирлаб кетган).

923 йил. Атокли муфасссир ва муаррих, «Тарихи Табарий» муаллифи ат-Табарийнинг вафоти.

931 йил + хижрий 319 йил. Куртубада Андалус умавий давлатининг энг машхур хукмдори Абдурахмон Учинчи томонидан дунёга машхур Мадина уз-Захро саройининг барпо этилиши.

937 йил. Бухорода илк мадраса қурилиши ҳақидаги маълумотларнинг пайдо бўлиши.

944 йил + хижрий 333 йил. Аҳли сунна вал жамоа ақидасининг асосчиларидан бири Имом Абу Мансур Мотуридийнинг вафоти.

972 йил + хижрий 362 йил. Фотимий хукмдорлар томонидан Коҳира (Миср)да машхур «Ал-Азхар» жомеъининг барпо этилиши.

973-1048 йиллар. Улуг комусий олим, Ислом оламининг буюк математики Абу Райхон Беруний ҳаёти (хижрий 440 йилда вафот этган).

980-1037 йиллар. Машхур комусий олим, файласуф ва ҳаким, «Шайхур-раис» Абу Али ибн Сино яшаб ўтди (хижрий 428 йилда Ҳамадонда вафот этган).

999 йил. Сомонийлар давлатининг парчаланиши ва ҳокимият тепасига қорахонийларнинг келиши (1212 йилда хукмронлиги тугатилган).

998-1030 йиллар. Газналик Махмуд хукмдори бўлган газнавийлар салтанатининг хукмронлиги.

1010 йил. Махмуд Газнавийнинг Хиндистонга юриши, Ислом динининг Хиндистон заминига кира бошлаши.

1029 йил. Турк амирларидан Сабуктегин ўгли Наср томонидан илк «Носирийя» мадрасаларининг очилиши.

1031 йил. Испаниядаги умавийлар давлатининг кулаши ва халифаликнинг майда давлатларга парчаланиб кетиши.

1040 йил. Эронда буюк Салжук турк давлатининг қурилиши (милодий 1157 йили парчаланган).

1065 йил + хижрий 458 йил. Буюк Салжук вазири Низомулмулк тарафидан Бағдодда «Низомийя» мадрасаларининг қурилиши.

1071 йил 26 август. Буюк Салжук подшоҳи Алп Арслоннинг Малазгирт урушида Византия императори Ромен Дийожен устидан ғалаба қозониши, Онадўлида Туркия салтанатининг бошланиши.

1096 йил. Ислом ва турк олами устига солиб юришлари (хочли урушлар) нинг бошланиши, милодий 1270 йилда тугаган.

1099 йил. Қуддуси шарифнинг солибчилар томонидан босиб олиниши ва уни лотин қироллигига айлантирилиши.

1111 йил + хижрий 505 йил. Машхур Ислом олими ва мутафаккири, «Хужжат ул-Ислом» Имом Абу Хомид ал-Газзолийнинг 55 ёшда Тусда вафоти.

1143 йил + хижрий 538 йил. Мовароуннахрнинг улуғ олими, «Кашшоф» тафсири муаллифи Абулкосим аз-Замахшарийнинг 71 ёшда Журжонда вафоти.

1175 йил. Салоҳиддин Айюбийни Миср, Фаластин ва Шом ўлкалари султони деб тан олинди.

1187 йил. Хаттин яқинида Салоҳиддин Айюбийнинг франкларни қашатгич мағлубиятга учратиб, Қуддусни қатъ қилиди.

1198 йил + хижрий 595 йил. Ислом дунёсининг атоқли файласуфи андалуслик Ибн Рушднинг Мароқашда вафоти.

1199-1220 йиллар. Хоразмшоҳ Муҳаммад Иккинчи салтанатининг гуллаб-яшнади ва таназзулга учради.

1209 йил + хижрий 606 йил. Мовароуннахрнинг машҳур олими, «Тафсири Кабир» муаллифи Имом Фаҳруддин ар-Розийнинг Хиротда вафоти.

1219 йил. Мўғулларнинг ҳукмдори Чингизхоннинг Мовароуннахрга бостириб қелиди ва бир йил ичида Ўтрор, Бухоро ва Самарқандни истило қилиди.

1232 йил + хижрий 630 йил. Атоқли Ислом муаррихи Ибн Асирнинг вафоти.

1235 йил. Андалусда 400 йилдан кўпроқ мусулмонларнинг бошқари бўлган Куртуба (Кордова) нинг насронийлар тарафидан забт этилиди ва Гарабда испанлар томонидан Ислом маданиятининг йўқ қилиниди.

1250 йил. Испаниянинг Гарнота (Гренада) шаҳрида мусулмон ҳукмдорлар ва меъморлар томонидан жаҳонда тенги йўқ ал-Хамро саройининг тикланиши.

1258 йил. Аббосий халифаларнинг пойтахти Бағдоднинг мўғуллар ҳукмдори Халоку (Хулогу) томонидан босиб олиниши; сўнгги халифа Мустаъсимнинг фожеавий ўлдирилиши, ёзма китобларнинг Дажлага улоктирилиши ва Шарқда Ислом маданиятининг йиқилиши.

1261 йил. Мисрда турк мамлукларининг ҳукмдори, улуг сиёсатчи малик Зоҳир Бийбарс химоясида аббосий халифаликнинг такрор бошланиши (милодий 1517 йилда тугатилган).

1273 йил + хижрий 672 йил. Атокли адиб, «Маснавийи маънавий» муаллифи Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 69 ёшда Қўнияда вафоти.

1286 йил + хижрий 685 йил. Тафсир соҳиби Кози Байзовийнинг Табризда вафоти.

1291 йил + хижрий 691 йил. Атокли форс шоири, «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари соҳиби Шайх Саъдийнинг 102 ёшда Шерозда вафоти.

1299 йил. Қўнияда Онадўли Салжук подшоҳлигининг мўғуллар томонидан тугатилиши, Усмон Бейнинг мустақилликни эълон қилиши, Усмонли турк салтанатининг бошланиши (милодий 1922 йилда тугатилган).

1307 йил + хижрий 707 йил. Ошиқ Юнус номи билан танилган машҳур тасаввуф шоири Юнус Эмронинг вафоти.

1331 йил + хижрий 732 йил. Танikli Ислом муаррихи Абул Фидонинг вафоти.

1337 йил + хижрий 738 йил. Туркиянинг машхур тасаввуф шайхи, яничарлар пири Хожи Бектош Валининг вафоти.

1370-1405 йиллар. Соҳибкирон Амир Темур салтанатининг ҳукмронлиги.

1389 йил + хижрий 791 йил. Мовароуннахрнинг атокли олими Саъдуддин Тафтазонининг Самаркандда вафоти.

1390 йил. Русияда Москва князлигини истило қилиб турган Олтин Ўрда хонлигининг Амир Темур томонидан парчаланиши, русларнинг бу борада жонланишга йўл очилиши.

1402 йил. Соҳибкирон Амир Темур билан Эдирна подшоҳи Боязид Йилдирим ўртасидаги Анкара жангида Боязиднинг енгилиб, асир олиниши, Онадўлида қурилган «Миллий турк бирлиги»нинг парчаланиши.

1405 йил + хижрий 808 йил. Атокли Ислом муаррихи тунислик Ибн Халдуннинг вафоти.

1413 йил + хижрий 816 йил. Араб тилидаги «Комус» муаллифи Феруз Ободийнинг вафоти.

1417-1425 йиллар. Бухоро ва Самаркандда Мирзо Улугбек мадрасаларининг барпо этилиши.

1453 йил. Фотих Султон Мехмет Хоннинг 53 кунли Истанбул жангида галабаси ва ўрта аср характеридаги Византия императорлиги ўрнига янги асрга хос Усмонли турк салтанатининг бошланиши (1918 йилда тугатилган).

1491 йил. Испанияда 262 йил давом этган Бани Ахмар (Андалусия) Ислом давлатининг

йиқилиши, давлат маркази Гарнота (Гренада) да дахшатли испан зулмларининг бошланиши.

1517 йил. Турк ҳукмдори Султон Салим Ёвуз томонидан Мисрнинг оқиниши, сўнг аббосий халифа Учинчи Мутавакқилнинг Аё-Софияда тўпланган турк-араб оқимлари ҳузурида халифаликни тарк этиб, уни Султон Салимга бериши, шу тарика Ислом халифалигининг араблардан туркларга ўтиши (халифалик 1924 йил 3 мартда тугатилган).

1536 йил. Бухородаги Мир Араб мадрасаси қуриб битказилди, 1945 йилдан фаолиятини янгидан бошлаган.

1582 йил. Юлиан таквимининг хатоси ислох этилиб, папа томонидан Григориан дейилувчи Гарб таквимининг жорий қилиниши.

1656 йил + ҳижрий 1067 йил. Атоқли турк оқими, «Кашфуз-зунун» асари муаллифи Қотиб Чалабий (Ҳожи Мустафо Халифа) вафоти.

1850 йил. Тошкентда 270 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та қарвонсарой, 11 минг ҳовли ва 150 минг аҳоли бўлган.

1864 йил. Чор қўшинларининг Туркистонга юриши ва Авлиёота ва Чимкентнинг эгаллаши.

1865 йил 17 май. Тошкентнинг Чор Россияси қўшинлари томонидан босиб оқиниши.

1902 йил. Тошкентдаги мадраса мудири Саидрасул Саидазиз ўғли биринчи ўзбек алифбоси - «Устоиди аввал»ни тузди ва у кейинчалик ўн олти марта қайта нашр этилди.

1904 йил + ҳижрий 1322 йил. Жаҳонга машҳур «Комус ул-аълум» соҳиби Шамсиддин Сомийнинг вафоти.

1943 йил 20 октябр. Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мусулмонлари вакилларининг курултойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати (идораси) нинг ташкил этилиши.

1948 йил. Ўзбекистонда илк марта хижрий-қамарий ҳисоб билан мусулмонлар таквими нашр этилиши.

1968 йил. Қуръони қарим нозил бўла бошлаганининг 1400 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда қатталиги жиҳатидан икки хил кўринишдаги Қуръони қарим нашр қилиниши.

1968 йил. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қошида беш тилда «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали нашр этила бошлаши, кейинчалик у «Мовароуннаҳр мусулмонлари», «Ўзбекистон мусулмонлари», ҳозирда «Хидоят» номи билан чоп этиляпти.

1971 йил. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти (маъҳади) ташкил этилиши.

1974 йил. Тошкентда атоқли муҳаддис Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантана ва анжуманлар бўлиши. 1998 йили эса улуг олимнинг 1225 йиллик тўйи ўтказилди.

1990 йил, март. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ислом нури» ҳафталик диний-ижтимоий газетаси чоп этила бошлаши.

1992 йил 3 июл. Шу куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида байрам қунлари тўғрисида»ги Қонунига биноан жумладан «Рўза хайити» (ийдал-фитр) ва «Қурбон хайити» (ийдал адха) диний байрамларининг биринчи куни байрам (дам олиш) қунлари этиб белгиланди.

1996 йил. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Ислом Конференсияси Ташкилотига аъзо бўлиши.

1999 йил 7 апрел. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Тошкент Ислом университетининг ташкил этилиши.

2007 йил. Ислом Конференсияси Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти АЙСЕКО (ISESCO) Тошкентни Ислом маданияти Умумжаҳон пойтахтларидан бири, деб эълон қилди.